

ИҚТИСОДИЁТИ ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ДАВЛАТЛАР ТЕХНОПАРКЛАРИ ТАЖРИБАСИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Даминова Мадинахон Баҳромжон қизи

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети “Тизимли таҳлил ва менежмент” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақола иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда технопарклар ташкил этиш тарихи, шу кунгача мавжуд технопарклар кўринишлари ва уларнинг муваффақият омилларини ўрганиш асосида Ўзбекистонда ушбу тажрибаларни қўллаш имкониятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқишга бағишланган.

Калит сўзлар: Махсус иқтисодий ҳудудлар, технопарк, индустриал парк, бизнес инкубатор, илмий-технология парклари, инновацион марказлар, технология ва илмий-технология конгломератлари, бизнес акселератор, кроудфандинг

OPPORTUNITIES TO APPLY THE EXPERIENCE OF TECHNOPARKS OF DEVELOPED COUNTRIES IN UZBEKISTAN

Daminova Madinahon Bahromjon qizi

Teacher at the Department of “Systems Analysis and Management”, the University of World Economy and Diplomacy

Annotation: This article is devoted to the development of proposals for the application of the practices in Uzbekistan on the basis of the history of the establishment of technoparks in developed economies, the kinds of existing technoparks and their factors of success.

Keywords: Special economic zones, technopark, industrial park, business incubator, science and technology parks, innovation centers, technology and science and technology conglomerates, business accelerator, crowdfunding

Хозирги пайтда миллий иқтисодиётга, айниқса ишлаб чиқаришга инвестиция жалб қилиш, хорижий капитални жалб этиш долзарб фаолият деб саналмоқда. Бирон бир ҳудудда инвестицион фаолиятини йўлга қўйиш учун

эса ўша худудда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш инфраструктурасини ташкил этишни талаб этмоқда. Ушбу муаммони эса махсус иқтисодий худудлар (МИХ), технопарклар, индустриал парклар, технология трансфери марказларини очиш орқали бартараф этиш мумкин бўлади. Ушбу иқтисодий шаклларнинг самарадорлигини эса уларнинг жахон иқтисодиётидаги салмоғи ошиб бораётгани билан баҳолаш мумкин. Яъни 1975 йилда жахонда жами 79 та махсус иқтисодий худудлар ва индустриал парклар ташкил этилган бўлса, 2019 йилга келиб уларнинг сони 5400 дан ошиб кетди. Хозирда дунёда жами 2500 та технопарк қайд этилган, улардан 300 таси АҚШда, 110 таси Японияда, 80 та Хитойда, Хиндистонда 50 та, Евроиттифокда 600 та, улардан 360 таси Германияда, 80 таси Францияда, 25 та Финляндияда ва 130 таси Россия давлати худудига тўғри келади.¹

“Индустриал парк” атамаси кўпчилик адабиётларда “технологик парк” деб ҳам қўллаб келинади. Шу билан биргаликда технопарклар бу илмий ташкилотлар, конструкторлик бюрolari, ўқув муассасалари, саноат корхоналари ёки уларнинг бирлашмаси шаклида бўлиб, фан таълим, ва ишлаб чиқаришнинг худудий интеграциялашув шакли сифатида намоён бўлади.

Кембридж университети иқтисодчилари таърифига кўра, технопарк - бу етакчи илмий-тадқиқот университети ёки тадқиқот маркази яқинида жойлашган ва илмий тузилмалар билан ўзаро алоқалардан фойдаланадиган кўплаб саноат талаб қиладиган фирмалар ёки тадқиқот ташкилотлари гуруҳи.

Қуйидаги жадвалда технопарклар ривожланиш эволюцияси билан батафсил танишамиз (1-жадвал).

1-жадвал. Технопарклар ривожланиш эволюцияси²

	Босқичлар		
Хусусиятлар	1950-1970 йиллар	1980-1990 йиллар	1990-хозирги вақтгача
Асосий шакли	Университет технопарки, худудий	Технологик инкубаторлар, махсус	Тармоқлашган технопарк,

¹ <https://review.uz/post/tehnoparki-vsokix-texnologiy>

² Рыбкина, А.С. Индустриальные парки как инструмент формирования качественной институциональной среды регионов

	тармоклашган технопарк, илмий шаҳарлар	технопарклар, технология трансфери марказлари	технопарклар уюшмаси
Мақсади	Илмий-тадқиқот ишларини жорий этиш	Илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш	Комьюнити капитализацияси, ахборот алмашинуви мухитини яратиш
Ядроси	Университет лабораториялари, лойиҳа ва тадқиқот мажмуаси бюроси, ТМК	Технологик инкубаторларнинг офис мажмуалари	Виртуал тармоқ, технопаркларнинг тармоклашган бўлимлари
Таъсисчилар	Университет ва ТМК	Хукумат	Инновацион брокер ва агентлар, венчур компаниялар ва инвестицион фондлар
Маҳсулот тури	Инновацион маҳсулот	Технология ва технологик ечимлар	Тадқиқот
Технопарк асосий хизмати	Билимлар манбаига (ВУЗ) ёки амалий ишларга кириш (компания)	Ижара учун жойлар, кенгайтирилган хизмат турлари	Хамжамиятга кириш имкони
Лидер-давлатлар	АҚШ ва Буюк Британия	Европа давлатлари ва АҚШ	АҚШ

Биринчи босқич. 1950 йилларнинг охирларида АҚШ ва Буюк Британиянинг Стенфорд, Кембриж ва бошқа шаҳарларида маҳаллий тадқиқотчилар ғояларини амалга ошириш учун платформалар бўлиб хизмат қилган биринчи университет технопарклари яратилди. Кейинчалик, бундай технопарклар асосида кўплаб юқори технологияли халқаро компаниялар пайдо бўлди.

Иккинчи босқич. 70-80-йилларни қамраб олди. XX асрда технопарклар кўчмас мулк бизнесининг хусусиятларига эга бўлди. Улар тадқиқот ва ишланмалар натижаларини фақат ижара майдонларини сотиш ва ўсиб бораётган инновацион компанияларга маъмурий хизматлар кўрсатиш орқали тижоратлаштирдилар. Ушбу босқич технологик инкубаторлардан (бизнес-инкубаторлардан) кенг фойдаланиш, шунингдек, иқтисодийнинг алоҳида тармоқларига йўналтирилган кўплаб ихтисослашган технопаркларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланди. Технология инновацион компаниялар маҳсулотига айланди.

Технопарклар ривожланишининг **учинчи босқичи** 90-йилларда, улар инновацион муҳит субъектлари ўртасидаги алоқа учун ҳудудий платформага айлангандан бошланади. Технопарклар ушбу функцияни илгари бажарган, ammo ҳозирги босқичда ишлаб чиқарувчилар ва тадқиқотчиларни турли хил профессионал жамоаларга (инвесторлар, саноат корхоналари ва бошқалар) тақдим этиш орқали ишлаб чиқарувчилар ва тадқиқотчиларнинг жаҳон бозорига киришини таъминлаш учун алоқа ёки хизматларни сотишга эътибор кучайган. Шундай қилиб, технопарклар ташкилий тузилмаларга, инновацион бизнес учун турли тадбирларнинг ташкилотчиларига айланди ва уларнинг ишлаши учун виртуал имкониятларни кенгайтirdи.³

Ҳозирги пайтда технопарклар эволюцияси тенденциялари ўзгариши кузатилмоқда. Уларга таъсир кўрсатган **асосий омиллар**:

- жисмоний инфратузилмани қуриш ва ишлатиш нархининг ошиши;
- шахсий компьютерлар ва алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш, географик жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлган объектлар ўртасидаги ахборот тўсиқларини бартараф этиш;
- инновацион маҳсулотларга бўлган талабнинг пасайиши туфайли инновацион компанияларнинг молиявий имкониятларининг пасайиши.

Технопаркларнинг бажарадиган вазифалари хажми ва хусусиятига кўра беш хил тури ажратилади (2-расм.).

1. Инновацион марказлар- биринчи навбатда юқори технологиялар билан боғлиқ бўлган янги фирмаларга ёрдам кўрсатадиган марказлар. Ғарбий Германия марказларини инновацион марказларга мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, Берлин Инновацион Маркази йиғиш ва ривожлантириш ишлари билан шуғулланадиган компаниялар учун бизнес инкубатор ҳисобланади. У ташкилотларга молиявий, технологик ва ташкилий масалаларни хал қилишда ёрдам беради.

³ А.С. Рыбкина, В.М. Джуха // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. – 2014. – № 4 (64). – С. 1–17.

2. Илмий -тадқиқот парклари- янги ва етук фирмаларга хизмат кўрсатадиган илмий ва тадқиқот парклари ёки университетлар билан яқин алоқаларни ўрнатади. Мисол тариқасида Кембридж илмий паркини кўриб чиқсак, 90-йилларнинг ўрталарида. Кембриж илмий паркида электроника, асбобсозлик, дастурий таъминот ва бошқа соҳаларни қамраб оладиган 400 дан ортиқ юқори технологияли кичик фирмалар фаолият кўрсатган, шунингдек, ушбу илмий парк ўз фаолиятида (тадқиқот, ишлаб чиқариш, консалтинг) турлича бўлган янги венчур капитал фирмаларини назорат қилган.



2-расм. Технопаркларнинг турлари⁴

3. Технологиялар парклари ихтиёрида билимларни талаб қиладиган фирмаларнинг бутун тармоғи ва ишлаб чиқариш мавжуд, аммо университетлар ёки илмий-тадқиқот институтлари билан мустақкам алоқалар ўрнатилмаган.

4. Технологик марказлар - бу янги юқори технологияли фирмаларни ривожлантириш учун яратилган сервис корхоналаридир. Уларнинг асосий вазифаси кичик билим талаб қиладиган кичик бизнесни

⁴ Павлов, Э. Технопарк – важный элемент современной инновационной экономики [Электронный ресурс] / Э. Павлов // Умное производство. – 2014. – № 9

ривожлантиришдир. Уларнинг сони айниқса АҚШда жуда кўп (400 дан ортиқ). Масалан, маҳаллий технология институтига асосланган Жоржия мукаммаллаштириш маркази. Марказ ташкил топган кундан бошлаб дастлабки уч йил ичида янги фирмаларга маслаҳат беради ва уларга молиявий ёрдам беради.

5. Технологиялар ва илмий паркларнинг конгломератлари (камарлари), уларнинг мақсади бутун минтақаларни юқори технологик зоналарга айлантиришдир. Энг таниқли конгломерат дунёга машҳур Силикон водийси бўлиб, у кўплаб илмий-тадқиқот ташкилотлари, институтлари, илм-фанни талаб қилувчи ва хизмат кўрсатувчи компаниялардан иборат. Силикон водийси энди фазовий имкониятларини деярли йўқотди ва янги тадқиқот ва саноат компаниялари унинг шимолидаги шаҳарларга кўчиб ўтмоқдалар.

Қуйидаги жадвалда ривожланган давлатларда технопарк моделлари билан танишамиз (2-жадвал).

2-жадвал. Ривожланган давлатлар технопарк моделлари⁵

Белгилари	Америка модели	Аралаш модел	Япон модели
Мақсади	Фанни тижоратлаштириш, жаҳон таъсирини кенгайтириш	Худудлар иқтисодиёти тузилмаларини қайта қуриш	Дунё етакчиси бўлишга интилиш
Иштирокчилар	Университетлар, хусусий фирмалар ва банклар, қисман давлат		Хукумат, маҳаллий органлар, хусусий фирмалар, университетлар
Муваффақият омили	Университетларда илмий салоҳиятнинг юқорилиги, самарали инфраструктура, яратувчанлик ташаббуси, тадбиркорлик руҳи		Янги товарлар бозорининг юқори сурати, ахборотлаштиришнинг юқори даражаси, кичик ва ўрта бизнеслар тармоғи

⁵ В. Х. Трибушная: “Инновационная инфраструктура как необходимость поддержки наукоёмкого предпринимательства: технопарки и стратегическое управление”, Ижевск-2011

Ихтисослиги	Микроэлектроника, харбий технологиялар, биотехнологиялар, аерокосмик техника, ядровий тадқиқотлар, атроф-мухитни асраш		Робототехника, керамика, мехатроника, оптика, денгиз ресурсларини эгаллаш
Хусусиятлари	Тадқиқотларнинг харбий йўналганлиги, тузилманинг етуклиги ва функция механизмнинг дефектларни ўрганишга мослашганлиги		Яхшилаб режалаштириш, минтақавий муаммоларни ҳал қилишга эътибор қаратиш
Реализация (мисоллар)	Силикон водийси (Калифорния), Бионика водийси (Юта), Роботлар хиёбони (Флорида), 130 дан 300 гача парк ва технополислар	София-Антиполис (Франция), Силикон Глен (Шотландия), Иннополли (Финляндия), Бари (Италия), жами 200 га яқин технополислар	Уцономия (Уцономия), Киби-Коген (Окаяма), Силикон ороллари (Кюсю ороли), жами 25 технополислар

Америкалик олимларнинг таҳлилларига кўра, технопаркларни кенг реклама қилиш туфайли инсонлар онгида уларда автоматик муваффақият таъминланган деган фикр шаклланган. Кўпинча таъсисчилар ҳам пул, ер ёки бино технопарк ёки бизнес инкубаторнинг сўзсиз муваффақиятини таъминлайди дея хато фикр юритади. Кўпинча керакли тажрибанинг етишмаслиги ва профессионал билимларнинг мавжуд эмаслиги каби муаммолар инновацион фирмалар ўсишига халақит беради.

Юқорида кўрсатилган ривожланган давлатлар технопаркларининг асосий ривожланиш омилларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, қуйидаги 4 та хусусиятни энг асосийси сифатида ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

1. Барча технопаркларнинг шаҳарларга яқин жойлашганлиги.

"Тез, ўз вақтида, аниқ" тамойили бўйича ҳудудни етарли даражада меҳнат ва моддий ресурслар билан таъминлаш; юқори технологияли маҳсулотларнинг кичик, бироқ хилма-хил хажмга эгалиги; ривожланган транспорт инфратузилмасини талаб қиладиган минтақавий бозорни мамлакат ички бозори ва ташқи бозорлари чегараларига қадар кенгайтириш имконияти каби

шартларни бажаради. Худуд одатда кичик, аҳолиси 50 минг кишидан ошмайди.

2. Аҳоли учун қулай яшаш шароитлари бўлган худудларда турар жой, яъни шаҳар ва паркни зарур ресурслар билан таъминлаш, саноат ва технологик салоҳиятни яратиш ва меҳнат ресурслари билан таъминлаш учун **парк ва шаҳар ўртасида барқарор алоқалар бўлиши керак.**
3. **Юқори малакали илмий ва илмий кадрлар билан ривожланган илмий-ўқув базаси бўлган минтақаларда турар жойларни ташкил этиш.** Мазкур парклар ресурслардан самарали фойдаланиш, илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш ва маҳаллий илмий марказларда ишлаб чиқилган янги технологияларни маркетингга йўналтирилган.
4. Тадқиқотлар олиб бориши ва технологияларни ишлаб чиқиши мумкин бўлган, бундай тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини таъминлайдиган, илмий-тадқиқот ишларини доимий олиб бориш ва техник маълумотлар алмашинуви учун илмий жамоатчиликни шакллантиришга ҳисса қўшадиган тадқиқотчиларга шароит яратиш мақсадида **университетлар ва илмий-тадқиқот институтларига яқин жойлашганлик.**

Агар илғор хорижий тажрибани сарҳисоб қиладиган бўлсак, унда технопаркларнинг **муваффақият омиллари** қуйидагилар:

- камида бешта университет яқинида технопарк ташкил этиш;
- технопарк қурилиши муддати қурилишни режалаштириш пайтидан бошлаб, унинг иши бошлангунга қадар 3,5 йилдан ошмаслиги керак;
- технопарк худудида янги шаҳар қуриш муддати 5-10 йилдан ошмайди;
- технопарк шаҳарда ёки шаҳар худудида жойлашган (50 км дан ошмаслиги керак);
- технопаркни молиялаштиришда давлатнинг устун ўрни.

Албатта, ҳар қандай технопарк ўзининг ташкил этилиши ва фаолияти жараёнида муайян **муаммоларга** дуч келади. Улардан асосийлари:

- технологияларни тижоратлаштиришга салбий таъсир кўрсатадиган "технология - бизнес - молиялаштириш" занжирининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги (масалан, Ҳиндистондаги технопарклар учун хосдир);
- технопарк ва университетлар ўртасидаги заиф алоқалар, шу жумладан ёш олимларни жалб қилиш ва илмий марказлардан билимларни инновацион компанияларга ўтказиш бўйича;
- венчур молиялаштириш воситаларининг заифлиги;
- технопаркдаги инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари йўқлиги;
- технопаркда фақат битта муваффақиятли бизнесни шаклланишига олиб келадиган инновацияларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш муаммоси (Финляндияда Нокиа тажрибаси);
- малакали менежерларнинг етишмаслиги (масалан, Исроилда);
- чет эл инвестицияларининг юқори улуши, уларнинг келиб чиқиши мамлакати - тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни олувчиси;
- давлат назорати механизмларининг кучсизлиги.⁶

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишини қўллаб қувватлаш бўйича ҳукумат томонидан 2017 йил февраль ойида “Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди. Ушбу стратегия доирасида турли соҳалар, жумладан ишлаб чиқариш ва инновацияни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари ва чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, 2020 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиётни рақамлаштириш ва ахборот технология соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратиш бўйича таклифларидан сўнг, мазкур жараён анча тезлашиб кетди. Инновацион паркларни ташкил

⁶ Г. М. Костюнина, В.И. Баронов. “Технопарки в зарубежной и российской практике”, Экономика, 2007, 96стр

этиш ва бошқа турдаги технопаркларни ташкил этиш бўйича бир қанча ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон бўйича турли иқтисодий кўрсаткичлар, ижтимоий ҳолати, ҳамда жаҳон рейтинг кўрсаткичлари бўйича жорий ҳолатини таҳлил қилиб кўрамиз.

3-жадвал. Ўзбекистон жорий ижтимоий-иқтисодий ҳолати таҳлили⁷

№	Кўрсаткич номи	Дунё, МДХ ва ШХТдаги ўрни
1.	ЯИМ микдори	57.9 млрд доллар, жаҳонда 79-ўрин, МДХ 5-ўрин, ШХТ 6-ўрин
2.	ЯИМ жон бошига улуши	1725 доллар, жаҳонда 139-ўрин, МДХ 8-ўрин, ШХТ 5-ўрин
3.	Экспорт	17 млрд доллар, жаҳонда 80-ўрин, МДХ 6-ўрин, ШХТ 6-ўрин
4.	Импорт	26.5 млрд доллар, жаҳонда 66-ўрин, МДХ 5-ўрин, ШХТ 6-ўрин
5.	Жаҳон бизнес юритиш осонлиги кўрсаткичи	67.8%, жаҳонда 71-ўрин, МДХ 8-ўрин, ШХТ 4-ўрин
6.	Иқтисодий эркинлик индекси	53.3%, жаҳонда 139-ўрин, МДХ 9-ўрин, ШХТ 8-ўрин
7.	Инсон салоҳияти ривожланиши индекси	0.71, жаҳонда 107-ўрин, МДХ 8-ўрин, ШХТ 4-ўрин
8.	Глобал инновацион индекси	жаҳонда 93-ўрин, МДХ 10-ўрин, ШХТ 8-ўрин

Ушбу жадвал таҳлилига биноан, шуни айтиш мумкинки Ўзбекистон бир қанча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича МДХ ва ШХТ давлатлари ичида ўрни анча яхшиланганини кузатиш мумкин. Айниқса Жаҳон бизнесни юритиш осонлиги кўрсаткичи бўйича ШХТ да 4-ўринни, жаҳонда эса 71-ўринни эгаллаган. Глобал инновация индекси бўйича жаҳонда 93-ўринда турипти.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида технопаркларни ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Жумладан Тошкент шаҳар, Хоразм, Андижон каби вилоятларда технопарклар ўз фаолиятини бошлаган Қуйидаги жадвалда Ўзбекистонда айни пайтда фаолият олиб бораётган 2 та технопаркларнинг моделларини кўриб чиқамиз.

4-жадвал. Ўзбек технопарк моделлари⁸

⁷ www.knoema.com сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

⁸ <https://texnopark.uz/page/25> ва <https://yait.uz/preference-yic> сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Белгилари	«Технопарк» МЧЖ	“Яшнаобод” технопарк
Мақсади	Импорт ўрнини босувчи саноат махсулотлари ва маиший техника ишлаб чиқариш, кенг ассортиментда ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, шунингдек янги иш ўринларини яратиш	Кичик ва хусусий инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат ва хусусий тадбиркорлик ўртасида хамкорликни ошириш, инновацион лойиҳа ва махсулотлар ишлаб чиқариш
Иштирокчилар	Хукумат, маҳаллий органлар	Хукумат, маҳаллий органлар, хусусий фирмалар, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги
Муваффақият омили	Тадбиркорлик мухити яхши йўлга қўйилганлиги, самарали инфраструктура	Янги товарлар бозорининг юқори сурати, ахборотлаштиришнинг юқори даражаси, кичик бизнес тармоғи
Ихтисослиги	Газ ўлчаш мосламалари, маиший музлатгичлар, саноат кондиционерлари ва совутиш тизимлари, лифт ва эскалаторлар, сув насослари, штамп ва пресс-формалар	Био ва иншоотларнинг инновацион иситиш тизими, қишлоқ хўжалигида кўп функцияли бир марталик шудгорлаш, хар хил мақсадлар учун микропроцессорларни идентификация қилиш модулларини ишлаб чиқариш, 3D-принтер, бионик қўл(i-hand), полграфик бўёқлар, микробиологик ўғитлар, ортодонтик шаффоф элайнерлар ишлаб чиқариш
Хусусиятлари	Тадқиқотларнинг саноат махсулотлари ишлаб чиқаришга йўналганлиги	Тадқиқотлар минтақавий муаммоларнинг инновацион ечимларини топишга қаратилганлиги

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган “Технопарк” МЧЖ ва “Яшнаобод” технопарклари ривожланган давлатлар технопарк моделларидан умуман фарқ қилади. Жумладан “Технопарк” МЧЖ кўпроқ технологик парклардан кўра саноат худудлари хусусиятларини ўзида мужассам этган. Шунингдек, ушбу технопарк фаолиятидан кўпроқ давлат ва маҳаллий органлар манфаатдорлиги хам унинг рақобатбардошлигини анча сусайтирган. “Яшнаобод” технопарки эса, ривожланган давлатлар технопарк моделлари шартларига бир мунча жавоб берсада, асосий ихтисослигига кўра ишлаб чиқариладиган

махсулотларнинг хали жаҳон бозорига кириб бормагани ва айти пайтда фақат маҳаллий истеъмолчилар манфаатлари учун фаолият олиб бораётганини кўриш мумкин.

Умуман, Ўзбекистонда технопарклар жаҳон талабига жавоб бериши учун жуда катта ислохотларни амалга ошириш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу бўйича давлат раҳбарининг бир мунча ташаббуслари тингланди. Шу доирада юртимизда ташкил этилаётган технопаркларда иш олиб боровчи кадрлар малакасини ошириш бўйича БААдан келган мутахассислар билан ҳамкорликда Республика бўйлаб “1 миллион дастурчилар” (Million Uzbek Coders) лойихаси эълон қилинди. Мазкур лойихада иштирок этиш учун жами 20000 иштирокчи рўйхатдан ўтган, 2000 га яқин иштирокчи сертификат олган ва 650 нафар иштирокчи ушбу курс битирувчилар бўлган.⁹

Юқоридаги инновация соҳасини йўлга қўйишда ривожланган давлатлар технопарклар тажрибасига асосланиб Ўзбекистон инновацион парклар тизимини ривожлантириш учун учун қуйидаги қисқа таклифларни тақдим этамиз:

- ▶ Ўзбекистонда инновацион парклар ва саноат парклари хусусияти жихатидан бир-бирига жуда ўхшашлигини кузатдик. Бу борада ҳукуматимиз томонидан ташкилий ва қонуний ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бироқ уларнинг амалий аҳамияти даражасини анча ошириш зарур.
- ▶ Юқоридаги иккилантирадиган ҳолатларни олдини олиш учун Республикада мавжуд Махсус иқтисодий ҳудудлар тўғрисидаги қонунда инновацион паркларнинг алоҳида хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтиш, шунингдек, уларни молиялаштиришда иштирок этувчи

⁹ <https://www.gazeta.uz/ru/2019/11/21/million-uzbek-coders/>

венчур фондларини ташкил этиш шартлари бўйича алохида конунчилик хужжатларини ишлаб чиқиш лозим.

- ▶ Ривожланган давлатлар иқтисодиёти Ўзбекистон каби ривожланаётган давлатларга қараганда анча илғор ва жуда кўп соҳаларда ютуқларга эришиб бўлган. Ўзбекистон мазкур давлатлар сингари мавқега эришиш учун иқтисодий рақобатбардош соҳаларга эътибор қаратиши ва рақобат афзаллигига эга соҳалар ривожини қўллаб-қувватлаши лозим.
- ▶ Ўзбекистонда технопаркларда фаолият олиб боровчи кадрлар салоҳиятини ошириш борасида бир қанча ишлар амалга ошириш лозим. Жумладан, ахборот технологиялари, инновация соҳасида кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тизими бўйича технопарклар ҳамда университетлар ва қайта тайёрлаш институтлари билан ҳамкорликни қайтадан кўриб чиқиш лозим;
- ▶ Барча соҳада бюрократик тўсиқларни бартараф этиш шарт. Технопаркларда тадбиркорлик ташкил этмоқчи булган жисмоний ёки юридик шахслар бу бўйича маҳаллий хокимиятлар қарорини кутишига тўғри келади. Бу бўйича технопарк бошқарув дирекцияси ва маҳаллий хокимият тизимини ҳамкорлик даражаси суратини ошириш бўйича амалий ислохотлар амалга оширилиши лозим. Жумладан рақамлаштирилган иқтисодий тизим ва элеткрон имзо каби ислохотларни жуда тез суратда амалга ошириш, тадбиркорликни ташкил этишда вақт йўқотилишни олдини олади. (Ўзбекистон 69-ўрин, Ease of doing business 2019);
- ▶ Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш лозим;
- ▶ Бизнесда криминал ва жинойтларга йўл қўймасликка эътибор бериш лозим;
- ▶ Бизнес молиялаштиришининг ноанъанавий усуллари ҳамда бизнесдан манфаатдор хусусий инвестицион ёки венчур фондларни ташкил этиш

лозим (“Бизнес фаришталари”, “Кроудфандинг” ва “бизнес акселератор”ларининг фаолиятини йўлга қўйиш).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 589-сон қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 майдаги Республика ҳудудларида ёшлар технопаркларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида 313-сон қарори
4. В. Х. Трибушная: “Инновационная инфраструктура как необходимость поддержки наукоёмкого предпринимательства: технопарки и стратегическое управление”, Ижевск-2011
5. Павлов, Э. Технопарк – важный элемент современной инновационной экономики [Электронный ресурс] / Э. Павлов // Умное производство. – 2014. – № 9
6. А.С. Рыбкина, В.М. Джуха // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. – 2014. – № 4 (64). – С. 1–17.
7. Рыбкина, А.С. Индустриальные парки как инструмент формирования качественной институциональной среды регионов
8. Г. М. Костюнина, В.И. Баронов. “Технопарки в зарубежной и российской практике”, Экономика, 2007, 96стр
9. <https://review.uz/post/technoparki-vsokix-technologiy>
10. www.knoema.com
11. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/11/21/million-uzbek-coders/>
12. <https://technopark.uz/page/25>
13. <https://yait.uz/preference-yic>
14. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/01/23/corruption/>
15. <https://www.spot.uz/ru/2019/11/12/one-million/>